

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 4 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 4

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 4



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


1.Доно Зияева XIX АСР БУХОРО АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИСЛОҲОТЧИЛИК FOЯЛАРИ.....	4
2.Шоҳистахон Ўлжаева, Нодира Алимұхамедова РАҚАМЛИ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ТИЗИМИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ.....	10
3.Муродилла Ҳайдаров ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ АСОСЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	19
4.Гулнора Гулямова XV-XVI АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	28
5.Арслон Нафасов ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ.....	36
6.Ойбек Остонов ЗАРАФШОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ (XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИ).....	44
7.Умиджон Усаров XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЕР-СУВ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АҲВОЛИ.....	60
8.Зиёдулла Холбоев ҚАЛИЯТЕПА ЁДГОРЛИГИДА 2019 ЙИЛ ОЛИБ БОРИЛГАН ДАСТЛАБКИ ҚАЗУВ ТАДҚИҚОТЛАР ХУСУСИДА.....	71
9.Davlatbek Qudratov ИККИНЧИ ЈАНОН URUSHI ХОТИРАСИНИ ASRAВ-AVAYLASH YOSHLARNI TARBİYALASHDA TUTGAN O'RNI.....	83
10.Гўзал Раззоқова ДИНИЙ ХАЛФАЛАРНИНГ ХОРАЗМ ХАЛИФАЧИЛИГИДАГИ ЎРНИ.....	89
11.Дилшода Рўзиева ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИ - МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА.....	96
12.Сафарали Қўшоқов ЧОРВАДОР ҚАБИЛАЛАР ДАФН МАРОСИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	104

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Зиёдулла Холбоев,
Жиззах давлат педагогика институти,
Тарих ўқитиш методикаси кафедраси
катта ўқитувчиси, Ziyodulla1979@mail.ru

ҚАЛИЯТЕПА ЁДГОРЛИГИДА 2019 ЙИЛ ОЛИБ БОРИЛГАН ДАСТЛАБКИ ҚАЗУВ ТАДҚИҚОТЛАР ХУСУСИДА

For citation: Ziyodulla Kholboev, ABOUT THE FIRST EXCAVATIONS IN 2019 AT THE QALIYATEPA MONUMENT. Look to the past. 2020, vol. 4, issue 3, pp. 71-82

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-4-8>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола муаллиф томонидан 2019 йилда Жиззах шаҳрининг қадимги ўрни бўлган Қалиятепа археология ёдгорлигида олиб борган дастлабки қазув тадқиқот натижаларига бағишланган. Қазув жараёнида қўлга киритилган ашёвий далиллар илмий таҳлил қилинган. Моддий манбалар ёдгорликнинг ёшини аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: Қалиятепа, моддий ашёлар, сопол идишлар, пишиқ ғишт, бирламчи манба, мудофаа иншооти, оқава қатлам, маданий қатлам, қалъа-қўрғон, бурж.

Зиёдулла Холбоев,
Старший преподаватель кафедры Методика
преподавания истории,
Джизакского Государственного
педагогического института.
Ziyodulla1979@mail.ru

ПО ПОВОДУ ПРЕДВАРИТЕЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ РАСКОПОВ В 2019 ГОДУ ПРОВЕДЕННЫХ В ПАМЯТНИКЕ КАЛИЯТЕПА

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена результатам предварительных исследовательских раскопок 2019 года, проведённых автором в памятнике Калиятепа, на месте которого расположен современный город Джизак. Обнаруженные находки в процессе раскопки анализированы с научной точки зрения. Материальные источники служат важным источником в определении возраста памятника.

Ключевые слова: Калиятепа, материальные предметы, глиняные посуды, обожжённый кирпич, первоисточник, фортификация, сточный слой, культурный слой, крепость, форт.

Ziyodulla Kholboev,

Jizzak State Pedagogical Institute
Department of History teaching methods
head teacher, Ziyodulla 1979@mail.ru

ABOUT THE FIRST EXCAVATIONS IN 2019 AT THE QALIYATEPA MONUMENT**ABSTRACT**

This article is dedicated to the results of the first excavation conducted by the author in 2019 at the archeological monument Qaliyatepa, the ancient site of the city of Jizzakh. The material evidence obtained during the excavation was scientifically analyzed. Material sources serve as an important source in determining the age of a monument.

Index Terms: Kalyiatepa, material objects, pottery, baked brick, primary source, defensive structure, aqua layer, cultural layer, castle-fortress, tower.

1. Долзарблиги:

Ўрта Осиё тарихида муҳим ўрин тутган Уструшонанинг қадим ва ўрта асрларда босқинчи ёвларга қарши курашда мудофаа деворларининг тарихини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, Уструшонанинг Фекнон рустоқи маркази бўлган Дизак - Қалиятепа шаҳар ёдгорлигида археологик қазув ишлари олиб бориш натижасида, топилган мудофаа деворлари қолдиқларини ўрганиш ва таҳлил қилиш шаҳар аҳолисининг мудофаа қобиляти хусусида кенгроқ хулосалар қилиш имконини беради.

Қалиятепа шаҳар ёдгорлигининг мудофаа деворлари тарихи ҳозиргача тарихчи олимлар томонидан тўлиқ ўрганилмаган. Ушбу тадқиқот археолог ва тарихчилар назаридан четда қолиб келмоқда. Жиззах шаҳрининг қадимги ўрни бўлган Қалиятепа ёдгорлиги мудофаа деворлари тарихини тадқиқ этиш, унинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, бугунга қадар чоп этилган мавжуд тадқиқотларни чуқур таҳлил этиб ўрганилмаган жиҳатларини илмий асосда ёритиш муҳим аҳамиятга эга.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ушбу кичик мақола эталон сифатида қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, илмийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

Ўрта Осиё тарихининг қадим ва ўрта асрлар даври сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида шаҳарлар мудофаа тизимининг ўрни шубҳасиз катта бўлган.

Хусусан, ҳозирги Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳамда Тожикистон Республикасининг шимолий-ғарбий ҳудудларини ўз ичига олган Уструшона давлати шаҳарлари ўзининг муҳим жойлашув ўрни билан минтақада катта мавқеига эга бўлганлиги шубҳасиз.

Уструшона бир томони шимоли-шарқий йўналишда Фарғона водийси томон очиладиган географик "дарвоза", жануб томони Зарафшон дарёси юқори оқимининг ўнг қирғоғи, шимол томони Сирдарё, ғарб томони Мирзачўл билан ўралган тарихий-маданий ўлка бўлган. Бу ерда қадимдан катта-кичик оқарсув ҳавзаларида аҳоли ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлаган. Воҳа аҳолиси ўзининг гуллаб яшнаган обод шаҳар ва қишлоқларининг атрофларини мустаҳкамлаб, баланд девор билан ўраб олиб, воҳани чўл ва даштларда яшовчи кўчманчилардан мудофаа қилган. Ана шундай мудофаа истехкомига эга бўлган Жиззах шаҳрининг қадимги ўрни Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги ҳисобланади. Бу масалада Я. Фуломов, Н. Немцева сингари археолог олимлар Жиззах шаҳрининг қадимги ўрни "Эски шаҳар" қисмида жойлашган Ўрдада деб тахминий фикрларни билдирган [1]. Чунки улар ушбу ёдгорликларда қазув ишларини олиб бормаганлар.

Т.Ширинов, Э.Қодиров, М.Пардаев, Э.Бердимуродов, С. Суюнов, З.Холбоев каби бевосита Жиззахда археологик қазишмалар ўтказган мутахассислар воҳада шаҳар маданиятининг илк куртаклари Қалиятепада шаклланган ва ривожланган деб ҳисоблашади[2].

Уструшонанинг сиёсий жиҳатдан марказий ўрнида турувчи Фекнон рустоқи, унинг бош шаҳри Дизак ҳозирги Қалиятепа археологик ёдгорлиги ўрнига тўғри келиши мутахассислар томонидан қайд этилган [3]. Қалиятепа Жиззах воҳасининг энг катта археология обидаси ҳисобланиб, шаҳар ёдгорлигининг арки 1 га, шаҳристон 5,5 га атрофида ҳамда унга туташ, бир-бирига узвий боғланган 5 та алоҳида рабодлар, мудофаа ҳандаклари мавжуд. Шимол-жануб йўналиши бўйича ястанган, бу комплексларнинг ҳозирги сақланиб қолган қисмининг умумий майдони 30 га.ни ташкил қилади. Қалиятепа ҳам қадимги шарқ шаҳарлари сингари анъанавий уч қисмли шаҳар бўлиб:

1. Арк - шаҳар ҳокими саройи;
2. Шаҳристон - мудофаа девори, ҳарбий буржлар билан ўралган арк билан туташиб кетган шаҳар мавзейи;
3. Рабод - мудофаа девори ва хандаклардан ташқари алоҳида жойлашган 5 та тепадан иборат (1-расм).

Рабодлар Қалиятепа арки ва шаҳристонини шимол, жануб ва ғарб томондан ўраб турувчи 5 та алоҳида жойлашган тепалардан ташкил топган. Мазкур тепаларнинг яхлит бир қурилиш иншооти эканлиги эҳтимолдан узоқ бўлганлиги сабабли, илк қурилиш даврий санаси ва ривожланиш босқичлари ҳали ўрганилмаганлигини ҳисобга олиб, шартли равишда тадқиқотчи А. Бердимуродов уларни алоҳида рабодлар сифатида рақамланган ҳолда тавсифлашишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган ва илмий муомалага киритган [4].

Олиб борилан дастлабки қазув натижаларига қараганда Қалиятепанинг шимолий, шимолий-ғарбий ва ғарбий қисмида жойлашган, мудофаа деворлари билан ўраб олинган 3та қалъа-қўрғон бунёд этилган. 2-3-қалъа-қўрғонда ўтказилган стратиграфик шурф материаллари таҳлилига кўра. Мазкур қалъа-қўрғонлар мил. авв. III-II асрларда бунёд этилган ва ундаги ҳаёт милодий VIII асрнинг охирларида араб истелоси билан боғлиқ ҳолда тўхтаган [5].

Ҳозирги кунга қадар Жиззах шаҳрининг қадимги ўрни Қалиятепа шаҳар

ёдгорлигининг мудофаа тизими тўлиқ очиб ўрганилмаган. Ўтган даврлар мобайнида Қалиятепада самарали тадқиқот ишлари олиб борилган бўлсада, қазув тадқиқотлари айнан мудофаа тизими билан боғлиқ ҳолда ўрганилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2019 йилга "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб ном берди. Унда Президентимиз томонидан Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини чуқур ўрганиш, бу борада археологик илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш масаласида тарихчи-археологларга аниқ вазифаларнинг белгилаб берилганлиги айни муддао бўлиб, бу борада бугунги кунда илмий-тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда.

3. Тадқиқот натижалари:

Қазув тадқиқот ишимизни Жиззах шаҳрининг қадимги ўрни бўлган Қалиятепа археологик ёдгорлигида 2019 йил октябрь ойининг сўнгги ўн кунлиги ва ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида олиб бордик (2-расм). Об-ҳавонинг ёғин-сочин келиши қазув ишларимизни вақтинча тўхтатишга тўғри келди. Шундай бўлсада, ушбу мақоламизда қўлга киритилган археологик топилмаларнинг дастлабки хулосасига бағишланади.

Қазув ишлари Қалиятепа ёдгорлигининг жануби-шарқий томонида олиб борилди. Бу жой шаҳарга кириш қисмининг дарвоза ўрни ҳисобланади. Айнан дарвозадан киришдаги чап томон буржи мудофааси тизимини ўрганишни мақсад қилдик.

Қазув чап томон буржи устки қисмидан, тахминан материкдан 8 метр баландликдан бошланди. Объектнинг қарийиб материкгача 6 метр қисми, яъни, оқава қатлам қисми очилди. Буржнинг тепа қисмидан 35-40 см дан сўнг ўрта асрларга тегишли бўлган 27x27 ўлчамдаги пишиқ ғиштлар қалашган ҳолда қайд этилди. Қазув жараёнида оқава қатлам ва пахса бўлаклари орасидан турли даврга тегишли сопол парчалари, йирик ҳажмдаги тоғ тошлари ва ҳайвон суяклари ҳам топилди.

Пишиқ ғишт лойи қизғиш тупроқдан обдон сифатли қилиб қорилиб, қолипда квадрат кўринишда келтирилган. Сўнг ғишт ҳумдонда яхши пиширилиши унинг сифатили тайёрланишига олиб келган. Ғишт 27x27x5,5 см ўлчамга эга. Уста томонидан ғиштнинг устки қисми қўл билан текистланганлиги учун тўрт панжасининг изи сақланиб қолган. Бундай ўлчамдаги пишиқ ғиштлар фақат қазув амалга оширилган объектнинг устки қисмида тахминан 30-35 см қазилгандан сўнг қайд этилди (3-расм). Бундай қурилишда фойдаланилган пишиқ ғиштлар Кўк рават ёдгорлигида ҳам қайд этилган. Бу ёдгорлик Қалиятепадан 7-8 км шимолда, Ўрдадан 15-16 км шарқда жойлашган. Тадқиқотчилар томонидан унинг усти ва ён атрофларидан IX-X, XI-XII асрларга оид сопол идиш парчалари, 21x21x4 см қолипдаги сомонийлар даври пишиқ ғишлари йиғиб олинган [6].

Оқава қатлам орасидан бир дона хўжаликда фойдаланилган ёрғучоқ топилди. Ёрғучоқ дарё қайроқ тошидан ясалган бўлиб, узунчоқ қайиқсимон кўринишга эга. Ёрғучоқнинг устки қисми силлиқланган, марказий қисми шиқаланиш натижасида тахминан 1 см атрофида кичик чуқурча ҳосил қилинган. Устки томонидан кўриниши нотўғри эллипс шаклда, таг қисми тўлиқ бўлмаган нотўғри ярим айлана кўринишида. Ёрғучоқнинг устки қисми узунасига ва ёнига 26,5x17,5 см, баландлиги 4 см ўлчамга эга (4-расм).

Муҳим топилмалардан яна бири илк ўрта асрларда яшаган аждодларимизнинг илоҳий, топиниш буюмидир. Мазкур ашъвий далил ўш давр идеологияси, диний дунё қараши ва турмушдаги баъзи бир урф-одат ва расм-русумлардан хабар беради.

Бу топилма қизғиш тупроқ лойидан тайёрланиб, таркибига майдаланган сопол ва кам миқдорда оҳак тош кукуни аралаштирилган. Қўлимиздаги ушбу топилмага зиён етганлиги учун тўлиқ кўринишга эга эмас. Топиниш буюми қуйидаги ўлчамларга эга. Сақланган танасининг устки томонидан 20 см, пастки томондан 18 см, эни 12,5 см, баландлиги эса 12,5 смни ташкил этади. Танаси устки томони эллипссимон шаклга эга. Ўнг томони ён қисмига бир бармоқ сигарли энликда горизантал чуқурча ҳосил қилинган. Ҳайкалча сирланмаган, шунга қарамасдан лой таркиби ва хумдонда пиширилиши сабабли табиий ҳолдаги қизғиш тусни олган (5-расм, 1-сурат). Бундай турдаги диний эътиқод билан боғлиқ топилмалар Пардақул археологик ёдгорлигида ҳам қайд этилган (5-расм. 2-сурат).

Бизга маълумки, топилган кулоллик идишлари археологик ёдгорлик ҳақида маълум тасаввурларни беради. Шу сабабли, кулоллик идишларини турларга ва тоифаларга ажратиш даврийлик санасига аниқлик киритиш мумкин. Бунда асос қилиб археолог олимлардан М.Х. Исомиддинов, М.Х. Пардаев, Е.М. Пешерова, Ю. Якубов, Г. Мирзалиевларнинг илмий асарларидан фойдаланилди [7].

Қозонлар. Ушбу идишлар иссиқ овқат тайёрлашга мўлжалланган. Чунки сифат ва шакл хусусиятлари орқали қозонларнинг ўтга чидамлилиги, ўчоққа ўрнатишдаги қулайлиги, оловнинг идиш таги ва ён сиртига бир маромда урилиши ҳамда қозонни ўчоқдан осон олиниши кафолатланган. Қозонларнинг иккита хусусияти, яъни, оловга бардошлилиги ва олов даражаси кескин ўзгарганда ҳам таъсирсизлиги уларнинг сифат даражасини белгилайди. Қозонлар соф лесс тупроқ лойидан ясалган бўлиб, уларнинг оловга бардошлилигини ошириш учун оҳак, гил, майда туйилган оқтош ва чиганоқлар аралаштириб ясалган. Қозонлар ўз шакли вв ўлчамлари, ясалиш усулларига қараб маълум тоифаларга ажратиш мумкин.

1-тоифа қозонлар гардиш қисми ташқарига кескин қайрилган. Бўйин қисми бир бармоқ сигарли энликда бўлиб, кўринишидан қорин қисми пуфакдек катта. Қозон гардиши диаметри 10,5 смга тенг. Гардишнинг қалинлиги 1см, бўйин қисми 0,8 см ва қорин қисмига туташ жойи 0,6 смга тенг (6-расм. 1 ва 3-суратлар). Қозон гардиш қисми ўтга қаттиқ куйганидан қорайиб кетган. Идиш кулоллик чархида тайёрланган.

2-тоифани ташкил этувчи қозонларнинг гардиш қисми ташқарига тўнтоқ ҳолда қайрилиб бўйин қисми бир бармоқ сигар энликда ясалган. Гардиш қисми диаметри 16 см, қалинлиги 0,8-0,9 смга, бўйин қисмининг қоринга тутуш жойи 1,4 смгача, қорин қисми эса 0,8-1,0 смга тенг (6-расм. 4-сурат.).

Хумчалар кўриниш жиҳатдан хумлардан кичик ўлчамлари ва нисбатан юпқа деворлилиги билан ажралиб туради. Хумчалар қизғиш соф лесс тупроқдан ясалиб, таркибига майда туйилган сопол парчалари ва қисман оҳактош аралаштирилган. Ушбу идишлардан қадимда хўжаликда сув, ёғ, сут ва сут маҳсулотлари каби суюк озиқ-овқатлар сақланган. Хумчаларни ясалиши ва ҳажмига қараб маълум тоифаларга ажратиш мумкин.

1-тоифа идишлар бўйин қисми кичик бўлиб, гардиши бироз ташқарига қайрилган. Бўйиндан пастки қорин қисми ўртача катталиқда. Гардиш қисми диаметри 9,6 см, деворлари қалинлиги 1,0-0,8 смга тенг. Идиш кулоллик чархида ясалган (6-расм. 2-сурат.).

2-тоифа хумчанинг гардиш қисми бироз ташқарига қайрилган бўлиб, илон боши кўринишига ўхшаб кетади. Гардиш қисми ташқарига кескин қайрилиб, кўрсаткич бармоқ кўринишига эга. Идиш кулол томонидан чархда ишланган бўлиб, сирти текис ва оқ ангоб берилган. Ички томонидан нотекис, дағал ишланган.

Гардиш диаметри 6,5 см, бўйин қисми девори қалинлиги 0,6 смдан бошланиб қорин қисми томони катталашиб борган, яъни 1,0 смга тенг. (7-расм.2-5-сурат.).

Ўрта Осиё иқлим шароитида ичимлик сувига бўлган талаб, сувнинг танқислиги, кўп истемол қилиниши сув таъминотини бир меъёрда, узлуксиз равишда бўлишдек вазифани юзага чиқарган. Сувни тежаб, унумли фойдаланиш мақсадида турли хилдаги махсус кўзалар кулоллар томонидан тайёрланган. Кўлимиздаги биргина сопол кўза соф лесс тупроқдан тайёланиб, таркибига жуда майда туйилган сопол парчаси аралаштирилган.

Гардиш қисми бироз ташқарига қарилган бўлиб, илон боши кўринишига ўхшаб кетади. Гардиш қисми идишнинг бўйин қисмига нозиклик билан туташган. Диаметри 5,5 смга, деворлари қалинлиги 1,0 смдан 0,6 смгача боради. Идиш кулол томонидан чархда нозиклик билан ясалганлиги яққол кўзга ташланади (7-расм.1-сурат.4-расм).

Товалар паст бўйли гардиши ва тагдон диаметри деярли бир хил ўлчамга эга бўлган идишлардир. Қазув жараёнида биргина топилган това сарғиш лойдан тайёрланган бўлиб, хом ашё таркибига майдаланган сопол ва оҳактош парчалари аралаштирилган. Идиш деворининг ташқи томони кучли олов тафтидан қорайган. Ички томони сарғиш рангда. Идишнинг гардиш диаметри 19,0 см, баландлиги 6,3 смга тенг. Гардиш қисмидан таг асосга қараб девор қалинлашиб борган (0,5 смдан 1,3 смгача). Таг асос қисми девор томондан марказга қараб юпқалашган, яъни, 1,2 смдан 0,7 смгача боради. Таг асос қисми диаметри тахминан 15,6 смга тенг (6-расм. 5-сурат.).

Косалар. Бу турдаги идишлар оиланинг овқатланиш фаолияти билан боғлиқ. Қазув жараёнида биргина бундай идиш учради. Идиш сарғиш тупроқдан юпқа қилиб нафислик билан ишланган гардиш қисми танаси билан қўшилиб кетган ва хиёл ташқарига букилган, гардиш боши қисман учли кўринишда. Кулол томонидан идиш гардишининг ички томони 1,0 см атрофида, ташқи томони эса тўлиқ қора бўёқ билан бўялган. Лекин, бизгача етиб келгунича қора рангнинг ўчиши кузатилади. Идиш гардиши диаметри 13 см, деворлари қалинлиги 0,3-0,4 смга тенг. Косанинг ички ва ташқи томони сайқалланган (7-расм. 4-сурат. 8-расм).

Ёғлоғи. Идиш соф лесс тупроқдан тайёрланиб, таркибига майда туюлган сопол парчалари, оз миқдорда оҳак тошлари аралаштирилган ва кулоллик чархида ясалган. Идиш товага ўхшаб кетсада, уни тутиб туриш учун бир бармоқ сиғар енликда битта дастаси мавжуд. Даста тана ёнига, гардиш устига ўрнатилган. Гардиш боши тумтоқ ва бироз ташқарига қайрилган бўлиб. Тагдони текис ясси. Идишнинг гардиш диаметри 24 см, тагдони эса 17 см ва баландлиги 5,9-5,8 смга тенг (7-расм.6-сурат.10-расм).

Кулоллик буюмлари орасида ривожланган ўрта асрларга тегишли сирланган сопол фрагментлари ҳам қайд этилди. Бу идишлар соф лесс тупроқдан тайёрланган. Сифати юқори даражада бўлиб, кулолчилик чархида тайёрланган. Буюмларнинг аниқ кўриниши бизнинг кунимизгача тўлиқ етиб келмаган. Шундай бўлсада, сирланган идишнинг таг асоси диаметри сақланиб қолган, яъни, 5,4 смга тенг. Бизнингча кўринишидан бу идиш хўжаликда ликопча вазифасини ўтаган бўлса керак (8-расм. 1-сурат). Яна битта сирланиб нақш туширилган идишнинг ҳам таг асоси тўлиқ сақланиб қолмаган бўлсада, диаметри 8 смга тенг. Бу идиш аждодларимиз хўжалик турмушида фойдаланилган шокоса деб тахмин қилишимиз мумкин (8-расм. 2-сурат.).

Топилмалар орасида чашканинг тагдони қайд этилган бўлиб, у тоза қизил

тупроқдан тайёрланган ва сиртига қизил ангоб берилган. Сопол идиш парчаси ўзининг сифатли ишланганлиги билан ажралиб туради. Идишнинг тағ асос қисми сақланиб қолган. Асос диаметри 2,7 смга тенг бўлиб, кулоллик чархида тайёрланган (7-расм. 3-сурат.).

Кўринишидан ваза ёки чирогдонни эслатувчи тўлиқ кўринишга эга бўлмаган сопол идиш киши диққатини ўзига тортади. Сопол буюм сарғиш тупроқ лойидан тайёрланиб. Таркибига жуда майда туюлган оҳактош ва кам миқдорда сопол кукуни қўшилган. Идишнинг сақланиб қолган баландлиги 19,3 смга, деворларининг қалинлиги 0,4 смдан 1,5 смгача ташкил қилади. Бел қисм диаметри эса 5,6 смга тенг. Идишнинг бел қисми аррасимон тишли тасма билан ўралган. Пастки томони олов тафтидан қаттиқ куйиши натижасида қорайган. Ҳатто таркибидаги майда оҳактошлар ҳам қорайиб кетган. Устки томони деб тахмин қилинаётган қисми сарғиш тусда бўлиб, олов таъсири деярли сезилмайди. Сопол идиш гарчи чархда ишлансада, девордаги дағалликлар билиниб туради (9-расм).

4. Хулосалар:

Дастлабки олиб борилган қазув жараёнида қўлга киритилган маълумотлар асосида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

- биринчидан, оқова қатламнинг қалинлиги (мудофаа деворига қадар етиб борилмаган) истехкомнинг баланд ва қудратлилигидан далолат беради;
- иккинчидан, топилган археологик материаллар, яъни, сопол парчалари милодий эранинг III-асридан то X-XI-асрларига тегишли эканлиги маълум бўлди;
- учинчидан, сирланган сопол парчалари ва квадрат кўринишидаги пишиқ гиштлар X-XI-асрларига тегишли;
- тўртинчидан, Ўрта Осиёда X-XII-асрларда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ривожланганлигини Қалиятепа шаҳар маданиятида ҳам кузатиш мумкин.

Ҳозирги кунда Қалиятепа работларининг мудофаа истехкомлари ўрганилган. Келажакда қазув ишларини давом эттириб, Қалиятепа шаҳристонининг мудофаа тизимига аниқликлар киритиамиз.




1-расм. Қалиятепа ёдгорлигининг космик сурати ва топографик режаси.



2-расм. Қазув жараёнларида.




3-расм. Пишиқ гишт ва ундаги бармоқ излари.



4-расм. Ёргучоқ.





1-сурат.




2-сурат.

5-расм. Диний топиниш буюмлари.




6-расм.



7-расм.



8-расм.



9-расм.

Иқтибослар/ Сноски/References:

[1] Гулямов Я.Г. Кладбище Кулпи-Сар // ИМКУ, Вып. 2. Ташкент, 1961; Немцева Н.Б. караванным дорогами Голодной степи // Вехи времен. Ташкент, 1989, С. 92-96. (Gulyamov Ya. G. Kulpi-Sar Cemetery // IMKU, Issue. 2. Tashkent, 1961; Nemtseva N.V. caravan roads of the Hungry steppe // Milestones of the times. Tashkent, 1989, S. 92-96.)

[2] Shirinov T., Pardaev M. Report on the archeological work of the Dzhizak district in Kaliyatepa in 1981 Archive IA AN RUz. Samarkand, 1982; Pardaev M.H. Some comments on Qaliyatepa city monument and its stratigraphy // UMMT, 31st edition, Samarkand, 2000; Berdimuradov A.E. Rannesrednevekovye archeological monuments of Djizak oasis (Northwest Ustrushana V-X vv.) : Dis. kand. ist. science. -M., 1985; Suyunov S. History of orosheniyasevero-zapadnoyUstruany (V-XVI vv. Po archeologicheskimmaterialam). AKD. Samarkand, 1998; Kholboev Z., Shodmonov M. Ancient defense structures of Jizzakh oasis // Material and spiritual heritage and universal values. Materials of the Republican scientific-practical conference. Toshkent, 2016. В. 323-329. (Ширинов Т., пардаев М. Отчёт об археологической работы Джизакского отряда на Калиятепа в 1981 г. Архив ИА АН РУз. Самарканд, 1982; Пардаев М.Х. Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги ва унинг стратиграфиясига доир айрим мулоҳазалар // ЎММТ, 31-нашр, Самарқанд, 2000; Бердимуратов А.Э. Раннесредневековые

археологические памятники Джизакского оазиса (Северо-Западной Уструшаны V-X вв.): Дис. канд. ист. наук. -М., 1985; Суюнов С. История орошения северо-западной Уструшаны (V-XVI вв. По археологическим материалам). АКД. Самарканд, 1998; Холбоев З., Шодмонов М. Жиззах воҳасининг қадимги мудофаа иншоотлари // Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар. Республика илмий амалий анжумани материаллари. Тошкент, 2016. Б. 323-329.)

[3] Parдаev M.H. North-western Ustrushona in the early Middle Ages. (Based on the materials of the Lower Sangzor oasis) // Dissertation for the degree of historical sciences. Samarkand, 1995, B. 37. (Пардаев М.Х. Шимолий-ғарбий Уструшона илк ўрта асрларда.(Қуйи Сангзор воҳаси материаллари асосида) // Тарих фанлари илмий даражаси учун тайёрланган диссертация. Самарқанд, 1995, Б. 37.)

[4] Berdimuradov A.E. Early medieval archaeological sites of the Jizzakh oasis (North-West Ustrushany V-X centuries) .: Dis. Cand. East. sciences. -М., 1985. (Бердимуратов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса (Северо-Западной Уструшаны V-X вв.): Дис. канд. ист. наук. -М., 1985.)

[5] Parдаev M.H., Parдаev A.H., ParдаevSh.M. Stages of emergence and development of urban culture of Jizzakh oasis (on the basis of written and archeological sources) .// "Archeology of Uzbekistan", №1 (8) - 2014, B. (Пардаев М.Х., Пардаев А.Х., Пардаев Ш.М. Жиззах воҳаси шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Ўзма ва археологик манбалар асосида).// "Ўзбекистон археологияси", №1 (8) - 2014, Б. 18.)

[6] Parдаev M., Ubaydullaev I. Jizzakh developed in the Middle Ages. // "Material culture of Uzbekistan" 38th edition, 2012, B. 171. (Пардаев М., Убайдуллаев И. Жиззах ривожланган ўрта асрларда. // "Ўзбекистон моддий маданияти" 38-нашр, 2012, Б. 171.)

[7] Isomiddinov M. History written in pottery. T., "Fan", 1993; Parдаev M.X. Pottery of Jizzakh oasis of IV-VI centuries // UMMT. 29th edition, Samarkand, 1998; Parдаev M.X. Pottery of the Jizzakh oasis in the VII-VIII centuries // UMMT. 30th edition, Samarkand, 1999; Pesheroва E.M. "Pottery of Central Asia." M.-L.: Science, 1959; Yakubov Yu. "Early medieval rural settlements of the mountain Sogd." -Dushanbe, Donish, 1988; Mirzaliev G. "Nonglazed ceramics of Ferghana as a historical source" (based on materials of the ancient settlement of Akhsikent (VII- early XIII centuries)) Author. dis. ... cand. East. sciences. - S., 1988. (Исомиддинов М. Сополга битилган тарих. Т., "Фан", 1993; Пардаев М.Х. Жиззах воҳасининг IV-VI асрлардаги кулоллик идишлари // ЎММТ. 29-нашр, Самарқанд, 1998; Пардаев М.Х. Жиззах воҳасининг VII-VIII асрлардаги кулоллик идишлари // ЎММТ. 30-нашр, Самарқанд, 1999; Пешерова Е.М. "Гончарное производство Средней Азии". М.-Л.: Наука, 1959; Якубов Ю. "Раннесредневековые сельские поселения горного Согда". -Душанбе, Дониш, 1988; Мирзалиев Г. "Неглазуrowанная керамика Ферганы как исторический источник" (по материалам городища Ахсикент(VII- начала XIII вв.)) Автореф. дис. ...канд. ист. наук. - С., 1988.)



Tadqiqot UZ

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№4 (2020)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000